



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА СИФАТИДА

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14609545>

ARTICLE INFO

Received: 2nd January 2025

Accepted: 4th January 2025

Published: 7th January 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва оқолини асраш устувор вазифалардан бирига айланди. Ушбу вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари фаолиятини кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда амалга ошириши муҳим ўринга эгадир.

Хуқуқий демократик давлат тараққиётининг ривожини келтирган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқ. Бунга эришиш учун эса аввало, жамият аъзоларининг, шу жумладан вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва хуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади. Шу боисдан, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва хуқуқбузарликлари профилактикасида таълим ва тарбия алоҳида ўринга эга.

Вояга етмаганлар хуқуқбузарлиги – бу ижтимоий муаммолардан бири бўлиб, айниқса, ёшлар орасида жиноятчилик ва хуқуқбузарликларнинг кўпайиши аҳамиятли масала бўлиб қолмоқда. Вояга етмаганларнинг хуқуқбузарликлари, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий муҳити, тарбия, таълим ва психологиясидан келиб чиқиб, уларнинг келажак ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, оила меъёрлари ва кадрларнинг деформацияси вазиятни янада оғирлаштиради, бу эса тўлиқ бўлмаган оилалар сонининг кўпайишига олиб келади. Бундай оилалар ўсмирнинг дунёқараши, тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади ва маълум бир из қолдиради. Ота-оналар ва бошқа қонуний вакилларнинг эътиборсизлиги туфайли ўсмирлар ғайриижтимоий хати-ҳаракатларга, ноқонуний хати-ҳаракатларга йўл қўймоқда¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра “хуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайрихуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)” дир.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек

¹ Ўғли Гадоимировов Б. О. Вояга етмаганлар маъмурий жавобгарлигининг бугунги кунда долзарблиги // Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 90-95. <https://academics.uz/index.php/awst/article/view/3365>.

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими ҳисобланади.²

Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ўзининг моҳияти, содир этилиш вақти, мотиви ва бошқа белгиларига кўра катта ёшдагилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан тубдан фарқ қилади. Хусусан, муайян ёш, руҳий ва бошқа ижобий ёки салбий хусусиятдаги гуруҳ ҳуқуқининг бундай ўзига хос хусусиятлари четга чиқиш бўлмай, балки вояга етмаганлар учун хос бўлган хулқий меъёр ҳисобланади.³

Вояга етмаган ёшларнинг қонуний вакиллари томонидан етарлича назорат қилинмаслиги, атрофдагилар ва жамоатчиликнинг эътиборсизлиги ҳам уларда ҳуқуқбузарлик содир этишларига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни яшириш, жамоатчилик томонидан ўз холига ташлаб қўйиш ёки уларни жамоадан узр сўраш орқали унтилиши каби салбий оқибатлар ёшлар онгида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик келтириб чиқармаслик тўғрисида нотўғри тушунчанинг риқожланишига олиб келади. Шунинг учун вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳар бир ҳуқуқбузарликларининг оқибатлари ва уни профилактика қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, 2010 йил 10 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонунга асосан, вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс деб белгиланди.⁴

Шунингдек, мазкур қонуннинг 3-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими эканлиги қайд этилди.

Пандемия шаротида, муаммоли, эҳтиёжманд ёки ижтимоий аҳволи оғир оилалар кўпайиб бормоқда. Оиланинг бузилиши, улардаги ижтимоий муҳитнинг носоғломлиги ҳамда етарлича ғамхўрлик қилинмаслиги сингари омиллар эса, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида бундай шароитда вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қуваатлаш учун мазкур соҳадаги ишларни жадаллаштириш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” эканлиги ҳамда 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”, 65-моддада эса “Фарзандлар ота-оналарнинг насл-

² Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // ЎРҚ371-сон 14.05.2014. <https://lex.uz/docs/2387357>.

³ <https://referat.uz/drugie/tekst-lekcij/13874-13874.html>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // ЎРҚ-263-сон 29.09.2010 <https://lex.uz/docs/1685726>

насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб мустаҳкамлаб қўйилган.⁵

Шунингдек, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларининг устуворлигини ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 1992 йилда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилди. Қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг нормаларига унификация қилиш мақсадида 2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги конвенция”ги Қонун амалга киритилди. Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ– 2833-сонли қарори қабул қилди. Бу қарор билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низом қабул қилинди.

Унга кўра мазкур комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш; давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини уларнинг самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш; вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш; тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш; давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратаётган шарт-шароитларни аниқлашдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш; ҳудудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 36 миллиондан ошди, уларнинг қарийб 16 миллион нафарини айнан вояга етмаганлар ташкил қилади. Улар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Азалдан юртимизда фарзанд дунёга келганидан бошлаб, то камолга етгунига қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касбхунар эгаллашига, умуман етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида: “Халқимизда “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>

тараққийетга етаклайди”⁹ деган фикрлари ҳам сўзимизни яна бир бор исботлайди. Вояга етмаганларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм, «оммавий маданият», зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қилади. Афсуски, ҳозирда вояга етмаганлар томонидан жинойтларнинг барча турлари содир этилмоқда⁶.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш борасидаги вазифаларни белгилаб берди. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга кўра, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайдиган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган, улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ҳолатларда ва бунинг оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолганда вояга етмаган болалар тегишли тартибда Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муассасаларига жойлаштирилади.

“Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ушбу масалалар билан шуғулланувчи тизим органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини тартибга солиш, шунингдек, алоҳида эътиборни талаб қилувчи вояга етмаганлар ва оилалар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари ва тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ва асослари, ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш масалалари ечимига қаратилган. Хулоса ўрнида Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ижтимоий ва ҳуқуқий муаммо бўлиб, унинг сабаблари оилавий, ижтимоий ва психо-эмоционал омилларга боғлиқ. Бу муаммога қарши курашиш учун оила, мактаб, давлат ва жамият биргаликда иш олиб бориши керак. Ёшларнинг ҳуқуқ ва масъулиятлари ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш, уларга ижтимоий ва психологиявий ёрдам бериш, ҳақиқий ҳурмат ва маданиятга асосланган тарбия олишлари учун шароитлар яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // ЎРҚ 371-сон 14.05.2014. <https://lex.uz/docs/2387357>
2. <https://referat.uz/drugie/tekst-lekciy/13874-13874.html>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // ЎРҚ-263-сон 29.09.2010 <https://lex.uz/docs/1685726>
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>.
5. Гадеймиров Д. О. Вояга етмаганлар маъмурий жавобгарлигининг бугунги кунда долзарблиги // Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 90-95;

⁶ Утепов Д. Ш. Республикада хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда оилавий зўравонликни олдини олишнинг долзарб муаммолари // Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 46. – С. 543-549

6. Утепов Д. Ш. Республикамизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда оилавий зўравонликни олдини олишнинг долзарб муаммолари //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 46. – С. 543-549.

7.19. Ғаниев Ф.Т, Кенесбаев М.Р, “Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий такомиллаштириш” Central asian journal of multidisciplinary research and management studies entral asian journal of multidisciplinary research and management studies page 87-90.

